



Сиёсат

# Партиялараро рақобат янада кучаяди

Давоми. Бошқ 1-бетда

Қонун лойиҳасида партия гуруҳининг фаолияти тугатилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг 14-моддада аниқ қилиб белгила-наётгани ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, партия гуруҳи та-шаббусига кўра, Қорақалпоғис-тон Республикаси Жўқорги Ке-нгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муда-дати тугаганда депутатлик гу-руҳи фаолияти тўхтатилади.

Шу билан бир қаторда, фрак-ция йиғилишида иштирок этган партия гуруҳи аъзолари қонун лойиҳасида назарда тутилган тегишли вакиллик органи кўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарли-гига ва аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, те-гишли ҳудудда жойлашган дав-лат органи раҳбарининг ўз фа-олияти масалалари юзасидан ҳисоботи ёки ахборотини халқ депутатлари маҳаллий кенгаш-ларининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш каби партия гуруҳларига бери-лаётган қўшимча ваколатларга алоҳида эътибор қаратди. Бу депутатлик гуруҳларининг жойлардаги таъсир доирасини янада кенгайтириш билан бир қаторда, сиёсий партиялар ва барча даражадаги депутатлар масъулиятини ҳам янада оши-ради. Айниқса, партия гуруҳла-рининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депу-татлари Кенгашига киритилган масалалар бўйича таклиф-лари кўриб чиқишли шартли-ги қонун билан мустаҳкамла-ётгани маҳаллий депутатлар-нинг фаолигини оширади ва соғлом рақобат муҳитининг шаклланишга хизмат қилади.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари сиёсий

партиялар фуқаролар ижтимо-ий-сиёсий фаоллигини ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий маданияти-ни оширишнинг энг самарали воситаси бўлаётганлиги, халқ ҳокимиятчилиги принципнинг марказда ва жойларда кўппар-тиявийлик асосида фаолият юритувчи вакиллик ҳокимият органи конституцион тамой-илини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи шартига айланаётганлигини эътироф этдилар.

Қонун тартибидаги "Ҳуқуқбузар-ликлар профилактикаси тўғриси-да"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси фракция аъзо-лари томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ва-зирликлар ва идоралар, жамо-ат бирлашмалари ҳамда фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқбузарлик-ларнинг профилактикаси жамо-ат тартибини таъминлаш, фу-қароларнинг ҳуқуқ ва манфа-атларини жиний таъжовулардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ме-ханизмларини такомиллашти-риш бўйича устувор вазифалар-ни амалга ошириш доирасида-ги ислохотларнинг муҳим йўна-лиши ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ушбу йўна-лишда амалга оширилган туб ўзгаришлар ҳуқуқбузарликлар-нинг профилактикаси соҳасида-ги фаолиятнинг кўриниши, мо-хияти, мазмуни ва принципла-рининг ўзгаришига олиб келди. Ҳуқуқ-тартибот органилари, фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқ-ариш органилари ҳамда жамо-атчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкор-ликнинг кучайтирилиши мамла-катимиз фуқароларининг ҳоким-ият институтларининг бутун тизимига бўлган ишончи мус-таҳкамланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб, бу билан



белгиланган вазифалар амалга оширилишининг куч-қувват ва ишончилигини таъминлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашда маҳаллаларда мили-ция таянч пунктлари, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари-нинг ташкил этилганлиги, шу-нингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари қо-шида яраштирув комиссиялари-нинг фаолият юритаётганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кўрилган чоралар ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш, жи-ноят содир этилишини келти-риб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ишла-рини кучайтириш имконини бе-риб, жойларда вазиятнинг ях-шилланиши таъминламоқда.

Бироқ ҳаётнинг ўзи ҳуқуқбу-зарликлар профилактикаси ти-зимини янада такомиллашти-риши тақозо этмоқда.

Хусусан, ҳуқуқбузарликлар-нинг профилактикаси субъект-лари ўртасидаги ўзаро ҳамкор-

ликнинг ҳуқуқий механизмлари қонун ҳужжатларида мус-таҳкамланмаган. Бу эса улар фаолиятини мувофиқлаштириш элементларини турлича изоҳ-лашга, ҳуқуқбузарликлар про-филактикасининг бутун тизими-ни ташкил этишда ягона ёнда-шувининг мавжуд эмаслигига олиб келмоқда.

Абдуқамол РАҲМОНОВ, фрак-ция аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг асо-сий қоидалари жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартиби-ни сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги амалдаги қонунчиликни модер-низация қилишга қаратилган. Ишлаб чиқилган лойиҳа давлат-нинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шаклл-антириш стратегиясига уйғун бўлиб, миллий хавфсизликка нисбатан юзага келаятган янги таҳдидлар ва хавф-хатарлар-нинг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат тузилмалари

билан турли жамоатчилик ин-ститутлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг барча босқичла-рида унинг механизмини тако-миллаштириш имконини бера-ди, ҳуқуқбузарликларнинг про-филактикаси соҳасида қўлани-ладиган чораларнинг тизимли-лиги ва тартиблигини мустаҳ-камлайди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама этиш а-сносида мамлакатимиз тинчли-ги ва фуқароларимиз хавфсиз-лигини таъминлаш, ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигига эришиш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг бирламчи дастурий вазифаларидан эканлигини эътироф этган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қув-ватладилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди ва те-гишли қарорлар қабул қилин-ди.

Олия ТҲТАЕВА, «Adolat» мухбири

# Эътиборга арзигулик ишлар қилайлик

Юртбошимизнинг яқиндагина халқ депутат-лари Қашқадарё вилояти Кенгашининг нав-батдан ташқари сессиясида сўзлаган нут-қини зўр қизиқиш билан тингладим. Давла-тимиз раҳбарининг мамлакатимизда иқтисо-дий-иқтисодий ҳал қилувчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси изчил ривож-ланаётгани, тармоқнинг ялпи маҳсулот иш-лаб чиқариш ва янги иш ўринлари яратиш-даги улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани хусусидаги илиқ фикрлари мен каби юрти-миздаги тадбиркорларда катта қизиқиш уй-ғотган бўлиши табиий ҳол.

Хусусан, кичик бизнес субъектлари ўз ишини ташкил этиш учун уларга бинолар, ер участкалари ажратиш, молия маассалари томонидан иқти-содий қўллаб-қувватлаш, му-ҳандислик-коммуникация тар-моқларига улашиш каби бир қатор масалаларида турли тўсиқлар ҳали бери учраб тур-гани ҳамда бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш вақти келганлигини алоҳида уқтир-дилар. Худудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси-нинг йўлга қўйилиши мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммо-ларни ҳал этишга, аҳоли фа-ровонлигини оширишга, одам-ларни, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъмин-лашга хизмат қилиши ҳақида фикрлари ҳар бир тадбир-корни ўз олдида аниқ мақсад қўйиб, янада масъулият билан ишлашга ундади десам, сира янглишмаган бўлман. Тад-биркорлик субъектларига қарата билдирилган бундай қўллаб-қувватлашларига биз-лар ҳам ўзимизнинг муносиб меҳнатимиз, амалга оширган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларимиз билан муносиб жа-воб қайтаришимиз керак.

Хулоса ўрнида айтсам, Юрт-бошимизнинг сўзлари кўн-лимдаги ишончини янада мус-таҳкамлаб, эзгу ишларга ун-дади.

лар фаолиятини тартибга со-лиш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги Қарори асосида ташкил этилган жамиятимизга 17 на-фар шахсий автомобиль эга-лари аъзо бўлиб кирган. Бу ерда жами 19 та янги иш ўри-нлари яратилган. Келажакда фаолиятимизни янада кенгай-тириш ва янги тадбиркорлик йўналишларини ҳам ташкил этишни кўзлаб турибмиз.

Президентимиз ўз нутқлари-да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолият турларини кенгайти-риш ва сифатини яхшилаш ор-қали аҳолининг турмуш дара-жасини, қишлоқларнинг ин-фратузилмасини яхшилашга ҳисса қўйишлари лозимлиги-ни, бу масалада уларга дав-лат, маҳаллий ҳокимликлар ёрдам бериши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларга бу каби эъти-бор кўрсатишлари, уларни қўллаб-қувватлашларига биз-лар ҳам ўзимизнинг муносиб меҳнатимиз, амалга оширган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларимиз билан муносиб жа-воб қайтаришимиз керак.

Хулоса ўрнида айтсам, Юрт-бошимизнинг сўзлари кўн-лимдаги ишончини янада мус-таҳкамлаб, эзгу ишларга ун-дади.

Фурқат ҚОДИРОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро шаҳар кенгаши депутати

# Олимларимиз кашфиёти:

## тола сифатини яхшилашнинг янги технологияси

Давоми. Бошқ 1-бетда

Мамлакатимиз олимлари бу борада кўзга кўриниб ютуқ-ларни қўлга киритишган. Аммо иқлим ўзгариши, экологиянинг бузилиши пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатига салбий таъ-сир кўрсатувчи омиллардир. Жумладан, ҳар йили ер юзида пахта ҳосилининг каттагина миқдори вилта чалиниш ва су-ғориш учун сув етишмаслиги туфайли нобуд бўлади.

Бундай муаммоларнинг ол-дини олиш учун ривожланган мамлакатлар пахта етиштириш-да янги инновацион технологи-яларни қўллаб келмоқдалар. Бунинг натижасида зарарли хашаротларга ҳамда гербицид-ларга нисбатан чидамли янги гўза навлари яратилди.

Мамлакатимизда 1992 йил-даёқ Президентимиз фармони билан Ўзбекистон Республика-си Фанлар академияси қошида Генетика ва ўсимликлар экспе-риментал биологияси илмий-техшириш институти ташкил этил-ганлиги соҳа ривожидида жуда муҳим роль ўйнади. Ҳуқумати-миз томонидан гўза ген инже-нерияси ва геномикани йўна-лишидаги илмий тадқиқотлар, зарур мутахассислар тайёрла-ш учун катта миқдорда валюта маблағлари ажратилди. Кейин-ги йигирма йил ичида инсти-тутда самарали илмий муҳит шаклланди, замонавий жиҳоз-ларга эга лабораториялар таш-кил этилди, халқаро илмий ало-қалар ўрнатилди.

2012 йилда эса Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг со-биқ Геном технологиялари ла-бораторияси базасида олиб бо-риладиган геномик тадқиқот-ларни янада чуқурлаштириш, тажрибаларни бошқа экан тур-ларига ўз вақтида татбиқ қилиш ва унинг рақобатдорлигини ошириш мақсадида мустақил илмий текшириш институти ма-қомидаги «Геномика ва биоин-форматика» маркази ташкил қилинди. Олиб борилаётган тад-қиқотларни юқори даражада молиялаштириш, етарли миқ-дорда фундаментал ва амалий


грантлар, инновация ва инвес-тиция маблағларини ажратиш ҳамда натижаларни самарали тарзда ишлаб чиқаришга тат-биқ этиш мақсадида бу янги марказ Ўзбекистон Республи-каси Фанлар академияси, Қиш-лоқ ва сув ҳўжалиги вазирили-ги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси қошида ташкил этилди.

Шундай эътибор ва гамхўр-ликлар самараси ўларок, Тош-кентдаги Геномика ва биоин-форматика марказининг бир гуруҳ олимлари дунёда бирин-чи бўлиб янги «ген-нокаут» деб аталувчи технологияни кашф этишди. Бу технология гўза генларини бошқариш йўли бил-лан унинг ҳосилини кўпайти-риш, сифатини тубдан яхши-лаш, толаннинг узунлиги ва кур-гоқчиликка чидамлигини оши-ришга асосланган.

— Инновацион ғоя жуда од-дий. Ҳаммага маълумки, ўсим-ликни қоронғи жойга қўйилса, норма ёруғликда ўстирилган ўсимликка нисбатан унинг бў-йи, пояси, бўғим оралиқлари бир неча баробарга чўзилиб, ўсимлик бандан бўйли шаклни олади, — дейди Геномика ва биоинформатика илмий-техши-риш институти директори, био-логия фанлари доктори, про-фессор Иброҳим Абдурахмо-нов. — Соя жойда ўсган ўсим-ликлар одатда «соялаш синдро-ми» эффекти туфайли тез гуллайди ва бунинг механизми остида молекуляр соатларни бошқарувчи (асосан кўк ва қизил/узоқ қизил ёруғлик нур спектрларини ютувчи) рецептор фанлари фаоллиги ётади. Ривожланаётган гўза толаси қорон-ғи жойга қўйилса, тола ҳам тез узая бўлилади. Шундан келиб чиқиб, агар табиий дала ша-роитида ўстирилаётган гўза ўсимлигидаги тола ҳужайраля-ри қайсидир маънода ёруғлик спектридаги маълум нурга су-ст жавоб берадиган қилиб қўйил-са, тола нисбатан узайиши ке-рак (худди қоронғида ўстирил-ган тола ҳужайралари каби). Шу билан бирга, толага (эпителлиал ҳужайра) анатомик жиҳатдан ўхшаш бўлган илди з туқлари ҳам назарий жиҳатдан узайи-

ши ҳамда бундай ўсимликлар (молекуляр соат миллари ўз-гаргани учун) тез гуллаши ку-тилиди.

Бу назарияни технологияга айлантириш учун 2003-2009 йиллар мобайнида қатор халқ-аро ва маҳаллий фундаментал лойиҳалар амалга оширилиб, гўзанинг қизил/узоқ қизил ёру-ғлик нури спектрларини ютувчи рецептор генлар оиласи дунё-



да биринчи бўлиб лаборатори-ямизда клонланди ва тавсиф-ланди. Кейинги босқичларда эса гўзада бу генларнинг фа-оллигини «генни ўчириб» қўйиш орқали бошқариш технология-си ишлаб чиқилиб, олинган «ген-нокаут» гўзаларда юқори-да баён этилган инновацион ғоя назарияси лаборатория тасди-қидан тўла ўтди.

Дастлабки лаборатория қўла-мада олиб борилган генетик таҳлиллар натижасига кўра, бу «ген-нокаут» технологияси ёр-дамида олинган ген-нокаут гўзалар, бир хил шароитда ў-стирилган назорат гўзаларга нисбатан 2-3 баробар вегета-тив тез ривожланганлиги, ил-ди з системасининг 2-3 баро-барга узайганлиги, 10-15 кунга эрта гуллагани ва эрта пи-шарлиги ҳамда толаннинг 5-10 м.гача узайганлиги кузатилди. Барча трансген ҳолатларда, ҳозирда дунё миқёсида кенг экилаётган юқори ҳосилдор, ўрта толали G.hirsutum турига мансуб навларнинг толалари «ген-нокаут» технологияси ёр-дамида ингичка толали Миср

гўзалари тола узунлигига деяр-ли яқинлашганлигини эътироф этиш лозим. Ушбу ген-нокаут гўзаларнинг кургоқчиликка, шўрхоқликка ва совуққа чидам-лилиги ҳам кутиляпти, чунки юқоридаги генлар генетик жи-ҳатдан кургоқчиликка, шўрхоқ-ликка ва совуққа чидамлилик-ни бошқарувчи бир неча ген-лар фаоллигини бошқариб ту-ради.

Мухими, яратилган навлар экологик жиҳатдан хавфсиз бў-либ, дунёда мавжуд биотехно-логик гўзалардан («трансген» гўза, деб юритилди) фарқи ўларок ҳеч қандай «беғона» ген ишлатилмаган. Аксинча, бу навларда гўзанинг ўзидаги ген-лар фаолияти сусайтирилган ҳолос.

Мазкур технология асосида ўзбек селекционерлари томо-нидан пахтанинг «Порлок-1», «Порлок-2», «Порлок-3» ва «Пор-лок-4» деб номланган янги на-влари яратилди ва бу навлар Ўзбекистоннинг турли ҳудудла-рида синондан ўтказилмоқда. Ўзбекистонда илк гени ўзгар-тирилган қишлоқ ҳўжалик экин-лари устида олиб борилган тад-қиқот тажрибада яхши натижа-ларни берди. Ҳозирги кунда республикамиздаги бир қатор махсус уруқчилик ҳўжаликлар-ида «ген-нокаут» усули асосида уруғ етиштириш ишлари бош-лаб юборилган.

2012 йилда ушбу самарали технология Ўзбекистонда, АҚШ-да ва халқаро миқёсда патент-лаш учун топширилди, унинг ус-

туворлик санаси белгилаб қў-йилди. Гўза геномикаси фани-даги қатор фундаментал каш-фиётлари учун Геномика ва биоинформатика илмий-техши-риш институти директори, био-логия фанлари доктори, про-фессор Иброҳим Абдурахмонов Вашингтонда жойлашган Халқ-аро Пахта Маслаҳати кўмитаси-нинг (ICAS) «2013 йил тадқи-қотчиси» мукофотига сазовор бўлди.

Дарвоқе, соҳанинг халқаро миқёсдаги энг яхши мутахас-сисларини мукофотлаш аънана-сига 2009 йилда асос солинган бўлиб, шу кунгача ICASнинг бун-дай юксак эътирофига Ҳиндис-тон, АҚШ ва Покистонда 5 на-фар олимлар мушарраф бў-лишганди.

И.Абдурахмонов Тошкентда бўлиб ўтган IX Халқаро ўзбек пах-та ва текстиль ярмаркаси иш-тирокчиларига ушбу кашфиёт ҳақида батафсил маълумот бер-ди. Унинг таъкидлашича, бундай гени ўзгартирилган гўза бошқа навларга қараганда ҳар томон-лама устун хусусиятларга эга бўлиши билан ажралаб туради.

Шу билан бирга Ўзбекистон Геномика ва биоинформатика марказида «сарикзанг»га чи-дамли бугдой навларини ярат-иш ва картошка ҳосилини оши-ришга қаратилган тадқиқот иш-лари бошлаб юборилган.

Ўзбек пахтачилигининг кела-жаги юқорида баён этилган гўза геномикаси ва биотехнология-си билан узвий боғлиқ бўлиб, геномика технологияларини тат-биқ этиш ҳозирги кундаги энг долзарб инновацион масала-дир. Бу келажакда Ўзбекистон-нинг ўрта толали, серҳосил, қим-матбаҳо навларини, бир мунча эртапашир, ҳосилдор, ташқи муҳит стрессларига чидамли ва узун толали навларга айланти-риш имконини беради ва юр-тимиз пахтачилигининг дунё бо-зоридаги нуфузи ва рақобат-бардошлигини ҳамда республи-касида иқтисодиётнинг мустаҳ-камланишини таъминлайди.

Илёс САХАТОВ, «Adolat» мухбири

# Электрон дастур фаолиятда аниқлик ва тезкорлик яратади

## Ўқув семинар

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенга-ши Марказий аппарати томонидан пар-тиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари бош ҳисобчилари учун «IC: Предприятие 8» элек-трон дастурини ўрнатиш ҳамда унда иш юри-тиш мавзусида ўн кунлик ўқув-семинари ўтказилмоқда. Мазкур семинарда ҳудудий партия Кенгашлари бош ҳисобчилари ва «AVARS PLUS» МЧЖнинг ходимлари иштирок этмоқ-далар.

Ушбу ўқувдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистон «Адолат» социал-демократ-тик партиясининг Давлат бюджет ва бошқа манба-лар ҳисобидан маблағлар-нинг шаклланиши ва улар-нинг мақсадли сарфлани-шида, молиявий ҳисобот-ларни тайёрлашда янги технологияларнинг жорий этиш, партия молиявий фа-олиятида очиқлик ва ошқо-раликни таъминлашдан ибор-рат.

— Ўйлайманки, ушбу ўқув амалиёти Ўзбекистон «Адо-лат» социал-демократик партияси бош ҳисобчилари-нинг тажриба ва малакаси-ни янада ошириш, бухгалтерия амаллари ҳамда банк ҳисоб-китоб операциялари-ни аниқлик билан юритиш, ҳужжатлар билан ишлашда

хатоликка йўл қўймаслик ва энг асосийси иш фаолияти-ни режавийлик, тезкорлик ҳамда самарадорлик асоси-да ташкил этиш кўникмаси-ни эгаллашга кўмак бера-ди, — дейди партиянинг Бу-хоро вилояти Кенгаши бош ҳисобчиси Нажмиддин Ла-типов.

Шунингдек, ўқув семинар иштирокчиларининг фикри-ча, ушбу ўзига хос амалиёт келгусида уларнинг касби-да асосидаги зарур кўник-маларни ҳосил қилишда ёрдам беради. Шу билан бирга, ўн кунлик ўқув даво-мида иштирокчиларнинг ўзаро фикр ва тажриба ал-машишлари қўзланган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги байрами олдидан

Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги қутлуғ сана — халқимиз учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб берган Конституциямизнинг 21 йиллиги байрами яқинлашиб келмоқда.



Интеллектуал ёшлар — мамлакат таянчи

Ана шу қутлуғ арафада Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишидек буюк мақсадга эришиш учун юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар, мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун амалга оширилган ва оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами ҳақида ўйлаб қолсан киши.

нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, 1991 йилнинг 21 ноябридаёқ Ўзбекистон Республикасида «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги» қонун қабул қилинди. Мазкур қонун ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашлари учун тегишли имкониятларни яратишга хизмат қилмоқда.

Бугун дунёда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири давом этаётган бир пайтда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизи йўналтирилмоқда. Энг асосийси, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган бу маблағларга харажат деб эмас, келажакка қўйилаётган сармоя сифатида қаралмоқда. Мустақиллик йилларида янги таълим олган ёшлар буюк ишларга қўл урмоқда. Илмда дунёни лол қолдирадиган кашфиётлар қилмоқда.

улкан ютуқлари учун «Зулфия» номидаги давлат мукофоти билан тақдирланиб келинмоқда.


Шубҳасиз, бугунги кунда демократик тараққиёт, модернизация ва янгилаш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатга ўзини намоён эта олиши мумкин. Ана шу мақсадда қабул қилинган ҳужжатлар изчил ҳаётга татбиқ этилаётгани туфайли ҳам таълим тизимини ривожлантириш шарафига вилоят ҳокимлиги апарати ахборот хизмати томонидан ташкил этилган бўлса, эндиликда бошқа бошқарув тузилмалари ахборот хизматлари ташкил этилиши билан бу йўналишда сезиларли силжишлар кўзга ташланди. Айнан ахборот хизматларининг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши орқали вилоят ҳокимлиги мансабдор шахслари томонидан 48 та, туман ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари томонидан 102 та, бошқа ташкилот ва идоралар вакиллари томонидан эса 2106 та — жами 2256 та киши қилинди. Эксперимент субъектлари томонидан эса вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари томонидан 11 та, вилоят бошқармалари раҳбарлари томонидан 23 та матбуот анжуманлари ўтказилди. Бу борада Бухоро вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Халқ банки, Қишлоқ қурилиш банки, бойжона ва мудофаа иш-

Нурмурад РАМАЗОНОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси

Муҳим ва замонавий усул

Давоми. Боши 1-бетда

Бугунги кунда Бухоро вилоятидаги 89 та давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида ташкил этилган ахборот хизматлари малакали кадрлар билан таъминланди, уларнинг моддий-техника базаси шакллантирилди. Ахборот хизмати, бу албатта, ишончли ҳамкор. Идора ёки ташкилот фаолияти борасидаги ахборотларни жамоатчиликка тўғри ва ҳаққоний тарзда тақдим этади, идоранинг матбуот билан муносабатларини ҳам йўлга қўяди.



лари бошқармалари фаолигини алоҳида айтиш жоиз.

Президентимиз фармойишига кўра, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, улар фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий эксперимент иштирокчилари ҳисобланади. Мазкур эксперимент, албатта, улар ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш ва такомиллаштиришга шароит яратиб беради.

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот тез, сифатли ҳамда ишончли тарзда тақдим этилиши самарали воситаларидан бири расмий веб-сайтлар ҳисобланади. Шунинг учун эксперимент ўтказилаётган ҳудудларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг расмий веб-сайтларини қонун лойиҳасида белгиланган меъёрлар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Бугунги кунда вилоятдаги 84 та эксперимент субъекти ўз расмий веб-сайти ёки юқори органи веб-сайти таркибидagi веб-саҳифасига эга. Ушбу электрон манба орқали ахборот хизматлари ўз идоралари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ҳар ҳафтада камидан бир мартабадан янгилаб борилаётгани, унда тақдим этилаётган ахборотлардан аҳоли ҳамда ОАВнинг тўсиқсиз фойдаланаётгани вилоятда эксперимент жараёнларининг жадал кечаётганини аниқлаб турибди. Бугун вилоятда исталган идора ва ташкилот, бошқарма ёки маҳаллий ҳокимликлар фаолиятига оид ахборотлардан веб-сайтлар орқали хабардор бўлиш имкони мавжуд. Вило-

ятдаги жисмоний ва юридик шахслар, оммавий ахборот воситалари сўровларига берилган жавобларга тўхталадиган бўлса, шу қисқа даврда Бухоро вилоят ҳокимлиги 176 та, шаҳар, туман ҳокимликларига 244 та, корхона ва ташкилотларга 976 та, жами 1396 та сўров келиб тушган бўлса, уларга қонун лойиҳаси талаблари асосида жисмоний ва юридик шахсларга 7 кундан 15 кун вақт ичида, ОАВ ходимларига эса бир кундан уч кунгача бўлган вақт мобайнида тегишли жавоблар қайтарилган.

Бир сўз билан айтганда, дунё таърибасига тенг равишда жадал кечаётган жараёнлар мамлакатимизда электрон тизимнинг янада барқарорлашувига туртки бўлмоқда. Мавжуд жиҳатлар — журналистлар касбий фаолиятини ўзи тартибга солиши учун ҳам имкон ярадади, ўз ўрнида соҳа вакиллари зиммасига ахборот муҳитида шаффофлик, ҳолислик ва ҳаққонийлик тамойилларига амал қилиш, ахборот тарқатиш вазифасини чуқур ҳис этиш, жамият олдидаги жавобгарликни зиммасига олиш каби масъулиятни ҳам юклайди.

Айни пайтда бу борада буюқролик журналистлар томонидан тайёрланган шундай мақолалар, радиоэшиттириш ва телерадиохабар ҳам вилоят аҳлида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар эса сўз ва ахборот эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида қўлланилаётган ҳуқуқий экспериментни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Лайло ҲАЙИТОВА, журналист

Таҳдидларга қарши кураш барчамизнинг вазифамиз

Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий аппарати Аёллар ва ёшлар сиёсий фаоллигини ошириш бўлими ташаббуси билан Тошкент тиббиёт академиясида «Биз мустақил ёшлармиз — иллатларга қаршимиз» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқитувчилари, партия фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси А.Раҳмонов «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, узокни ўйлаб ишлаб чиқилган ушбу қонун фуқаролар, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари таъсирини, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини

яратишга қаратилганлигини кайд этди.

— Айниқса, мазкур қонун билан белгиланаётган нормаларни бузганлик учун жавобгарлик қўйирилган бўлиб, бу алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг салбий оқибатлари ҳақида аҳоли ўртасидаги тарғибот-тушунтириш ишлари самарадорлигини ошириш, шу билан боғлиқ касалликларни камайитириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади, — деди маърузачи.

Тадбирда шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Жўраевнинг «Гиёҳвандликка қарши кураш — барчамизнинг вазифамиздир» мавзuida маърузаси тингланди.

Таъкидланганидек, республикамизда гиёҳвандликка қарши самарали кураш олиб борилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз қатор халқаро Конвенцияларни ратификация қилган, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб борган ҳолда «Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комп-



лекс чора-тадбирлар» Дастури амалга оширилмоқда. Наркотик моддаларнинг ноқонуний олиб кирилишига қарши қўрилган чоралар туфайли охириги беш йил мобайнида Ўзбекистон орқали дунёнинг бошқа мам-

лакатларига олиб ўтилаётган 3 тонна 286 кг. опий моддалари ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ушлаб қолинди.

Дарҳақиқат, зарарли иллатларнинг кенг тарқалаётгани айрим мамлакатларда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайишига, маънавият ва маърифат масалаларининг оқсашига олиб келмоқда. Шу боис, аҳолининг 60 фоиз қисmini ташкил этадиган ёшларни ёт гоёлар, гиёҳвандлик, террорчилик каби офатлардан

Феруз ЖўРАЕВ, «Adolat» муҳбири

# ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Амалий ишлар — муваффақият гарови

## Она тилим — юрагим нақши

Тадбир

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши ва Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Учтепа туман партия ташкилотиди «Она тилим — юрагим нақши» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда эътироф этилганидек, тил миллатнинг қалби, аждодлардан мерос буюк хазина, авлодларни авлодларга, тарихий ривожланиш босқичларини бир-бирига боғловчи маънавий кўприк ҳисобланади. Ҳар қандай тилда у мансуб бўлган халқнинг маънавияти, руҳий олами, ақл-идроки,

орзу-умидлари, юксак инсоний фазилатлари ўз ифодасини топади.

1989 йил 21 октябрда давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган ушбу сана мамлакатимизда тил байрами сифатида кенг нишонланади. Орадан ўтган йиллар мо-



байнида тилимизнинг бўйбаста тикланди, байроқ, герб, мадҳия, Конституция каби давлатимизнинг муқаддас тимсолларидан бирига айланди. Унинг лугат хазинаси янги сўз ва тушунчалар билан бойимокда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, таълим соҳаси вакиллари, фахрий педагоглар иштирок этган байрам тадбирини кириш сўзи билан очган Ўзбекистон «Адолат» СДП Учтепа туман кенгаши раиси М.Дехқонов бу мунаввар оламда инсоний муносабатлар воситаси бўлиши тилинг аҳамияти катталигини, она тили миллатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланишини, халқнинг, миллатнинг ўзлиги-

ни намоён қилишини айтиб ўтди.

Тадбирда шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Раҳмоновнинг маърузаси тингланди. Маърузачи таъкидлаганидек, тил тарихини, унинг меъёрий нуктаи назардан шаклланиш жараёнини, кўламини миллат тарихидан айри ҳолда ўрганиб бўлмайди. Чунончи, Конституцияимизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир, деб белгилаб қўйилганлиги халқимизнинг ўз тилига бўлган ҳуқуқи батамом тикланганлигидан далолатдир.

Бу йил ўзбек тилига расмий давлат тили мақоми берилганлигига йигирма тўрт йил тўлди. Албатта, бу тарих учун унча катта мuddат бўлмаса-да, ўтган давр мобайнида миллий

тилимизнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ мавқеини ошириш, софлигини сақлаш, йўқолиб кетган сўзларни қайта тиклаш, бу борадаги қонунчилигимизнинг маъно-мазмунини ёш авлод онгига синдириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

Байрам тадбирида сўзга чиққанлар тилга эътибор — элга эътибор эканлигини, тилимизнинг юксак мақоми ва гўзаллигини, мукамал ва таъсирчанлигини асраш, уни келажақ авлодларга бус-бутун, бор куч-қудрати ва жозибаси билан етказиш, ёш авлод онгига тафаккурида асрлар синовига дош бериб келаётган, ўтмиш тарихимизнинг ҳар бир саҳифасига гувоҳ ва сирдош она тилимизнинг бой имкониятлари ва мавқеини янада мустаҳкамлаш каби тушунчаларни шакллантириш ва синдириш юрдошларимизнинг кундалик, бир умрлик бурчи бўлиб қолиши кераклигини таъкидладилар.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофича жавоб олдилар. Байрам дастури доирасида ўқувчи-ўшларнинг бадиий чиқишлари, она тилимизни мадҳ этувчи шеър ва кўшиқлар йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этди.

**Бобур ОТАМУРОДОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Тошкент шаҳар Кенгаши  
матбуот котиби

“Ёш адолатчилар”

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва истиқболлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад сўнгги йилларда мамлакатимиз сийёсий-ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган тув ислохотлар мазмун-моҳияти ҳақида ёшларга керакли тушунчаларни бериш, бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизга тараққиётнинг «Ўзбек модели»ни изчил ва босқичма-босқич таъкид этиш натижасида эришилаётганлигини тулганларга тушуниришдан иборат бўлди.

Шунингдек, тадбирда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги Юртбошимиз маърузасини яна бир бор ўрганиб, бу борада маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда партия фаоллари олдига қўйилаётган устувор вазифаларни белгилаб олишга муҳим эътибор қаратилди. Айни пайтда Президентимизнинг ушбу сессиядаги маърузасини чуқур ўрганиш юзасидан худудий партия ташкилотлари томонидан маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида тизимли сийёсий ўқувлар ташкил этилаётганлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида вилоят партия Кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Бобур Муродов кун тартибидидаги долзарб масалалар юзасидан маъруза қилди. Нотиқ истиқлол йилларида эришилган тарихий ютуқларни бугунги ҳаётимизнинг деярли барча соҳаларида кўриш мумкинлиги, айниқса, бу борадаги кўлга киритилган энг улкан ютуқ тинчлик, осойишталик эканини таъкидлади. Унинг фикрича, жаҳоннинг кўплаб сийёсатчилари, таникли жамоат арбоблари мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб, узоқ келажақни мўлжаллаб ўтказилаётган кенг қамровли ислохотларни юқори баҳолашмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги обрў-эътибори, нуфуси ҳам ортиб бормоқда, — деди тадбир иштирокчиси, Қарши давлат университети катта ўқитувчиси Инобат Ражабова. — Хусусан, мамлакатимизнинг автомобилсозлик, транспорт-коммуникация инфратузилмаси, нефть, энергетика каби соҳалардаги салоҳияти, айниқса, юқори. Қисқа вақт ичида галла мустақилли-

гига эришилгани эса янада қувонарлидир.

Дарвоқе, Қарши шаҳрида партиянинг 1392 нафар аъзоси ва 30 га яқин бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган тув сийёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этишмоқда. Фаоллар сийёсий онги шаклланиб келаётган ёшларга истиқлол йилларида юз берган буюк ўзгаришлар, юртимизни барқарор ривожлантириш учун олиб борилаётган ишларни кенгроқ тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мунозараларда иштирок этган «Аёллар қаноти» Кенгаши раиси Азима Зайнуддинова, коллеж ўқитувчиси Ойбек Кўзиёв, партия фаоллари Азиза Қаримова, Эшқобил Абдурахмонов ва бошқалар ҳам жонажон Ўзбекистонимизнинг бугунги салоҳияти ва истиқболлари, амалга оширилаётган сийёсий модернизация ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнида ҳамда ушбу жараёнда партия аъзоларининг фаол иштироки ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида воҳанг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини чуқур таҳлил этиб, келгусидаги долзарб вазифалар юзасидан қўнчалар билан билдирган танқидий хулосалари асосида келажагимиз давомчилари бўлган ёшларимизнинг пухта таълим олишлари, касб-хунар эгаси бўлиб етишишлари йўлида партия ташкилотларининг режалари ҳам белгилаб олинди. Ўзбекистонни янада ривожлантириш йўлида ёшларимиз биллими, хунари, ўз ишининг устаси бўлмоқликлари учун ҳар бир партия етакчиси масъул эканлиги алоҳида қайд этилди.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари, БПТ раислари, «Аёллар» ва «Ёш адолатчилар» қаноти етакчилари, маҳалла аҳли, тиббиёт ходимлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбир якунида билдирилган тақдир, фикр-мулоҳазалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Комил САХАТОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Қашқадарё вилояти Кенгаши  
матбуот котиби

## Рағбат меҳнатга ундайди

Дастур доирасида

Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди дастурида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш алоҳида ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиқиб, партия сафидаги тиббиёт ходимлари бу масалага биринчи даражали вазифа сифатида қарамокда.

Вилоят марказий шифохонаси ва Андижон давлат тиббиёт институтидаги партиядош шифокорларимизнинг туманларда бўлиб аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш ва кам таъминланган оилалар ва яққа-ёлғиз яшовчиларни даволаш ишларини мунтазам йўлга қўйганлиги вилоятда алоҳида эътироф этилаётган бўлса, туманлардаги партия фаоллари томонидан амалга оширилаётган ишлар ва тиббиёт ходимларининг фаоллиги ортиб бораётгани янада эътиборли.

Албатта, қўлга киритилаётган ютуқлар замирида соҳа ходимларига бўлган эътибор масаласи ҳам ётади. Айниқса, партиянинг Андижон вилояти Кенгаши томонидан партия сафидаги тиббиётчиларнинг кўллаб-қувватланаётгани сафдошларимиз сонининг орттишига олиб келмоқда.

Шу ўринда 200 нафардан ортиқ тиббиёт ходимларидан иборат партиядошларимизнинг ўз атрофида бирлашган партиянинг Хўжабод туман кенгаши фаолиятида ҳам бу масала кенг ўрин эгаллаётганини таъкидлаш лозим. Туман партия кенгаши ва туман тиб-



биёт бирлашмаси ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун, албатта, соҳа ходимларининг ўзига ҳам эътиборли бўлиш зарур. Шу сабаб уларни кўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Шифокорларни спорт-соғ-

ломлаштириш ишларига жалб этиш, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш ва меҳнат муҳофазаси ҳам ташкил этилган. Хусусан, жорий йил бошидан буйб 6 нафар тиббиёт ходими Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида тарихий обидаларни зиёрат қилиб келишга юборилган бўлса, 290 нафардан зиёд ходим эса во-

лоят вилоятларидаги даволаш муассасаларида ҳордиқ чиқарди. Шунингдек, меҳнат фахрийлари, ногиронлар мустақиллик иншоотларига саёҳатлар уюштирилди. Турли байрамлар муносабати билан кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш доимий режага киритилган.

— Бундай хайрли ишлар партиядошларимизнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдек шарафли ишига, халқ фаровонлиги йўлидаги меҳнатларига рағбат вазифасини ўтамоқда, — дейди Хўжабод туман тиббиёт бирлашмаси касасаба уюшмаси раиси, БПТ етакчиси Т.Абдувалиев. — Қолаверса, аҳоли орасида давлатимизнинг бугунги сийёсати ва партияимизнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари юзасидан тарғибот ишлари ҳам олиб боришмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса партияимиз дастурий ғояларининг ҳаётбахшлигини тарғиб қилишдир.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Андижон вилояти Кенгаши  
матбуот котиби

## Хонқалик жонкуяр фаоллар

БПТ — партия таянчи

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хонқа туман кенгаши фаолларининг партия дастурий ғояларини тарғиб қилиш ва аъзолар сафини кенгайтириш борасида бошланғич партия ташкилотлари фаоллик кўрсатишмоқда. Бу борада 1200 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган шаҳар партия кенгаши таркибидидаги мавжуд 7 та бошланғич партия ташкилотларидан бири — Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги қуйи бўгин фаолларининг олиб бораётган ишлари диққатга сазавордир.

Дастлаб 15 нафар аъзоларни бирлаштирган БПТ сафи бугун 138 нафарга ортиди. Айтиш жоизки, БПТ аъзоларининг ташаббускорлиги ва партия дастурий ғояларни тарғиботи таъсирчанлигини янада оширишга қаратилган тад-

бирлар ўтказишда фаоллик кўрсатаётганлиги туфайли муассаса ишчи-хизматчиларининг кўпчилиги Ўзбекистон «Адолат» СДП сафига киришмоқда.

Айни пайтда ташкилот фаоллари «Обод турмуш йили»

Давлат дастурининг ижросини назорат қилишда, ижтимоий адолатни қарор топтиришда партиянинг ўз ўрни бўлишига эришиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, маҳалла фаоллари, зиёлилар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда жойларда давра суҳбатлари уюштириш, ёшлар ўртасида турли таъсирчан тадбирлар ташкил этишда жонбозлик кўрсатаётди. Жумладан, БПТ фаоллари ташаббуси билан корхона, ташкилот, маҳалла ва таълим муассасаларида «Саломатлик ва тиббий маданият», «Қизларни эрта узасти ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш», «Гибҳандлик — аср вабоси», «Обод турмуш — мустаҳкам оила асоси» каби мавзуларда уюштирилаётган қатор тадбирлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлмоқда.

— Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-

риш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, бу борада олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб берган эдилар, — дейди Хонқа туман кенгаши раиси Р.Латипов. — Партияимиз фаоллари билан биргаликда дастурий кўрсатмалар асосида яқинда касб-хунар коллежидида уюштирилган тадбиримиз ҳам самарали бўлди, дейишимизга тўла асос бор. Ушбу тадбирда 200 нафар битирувчилар иштирок этишти. Вилоят касб-хунар таълими бошқармаси, туман бандликка кўмаклашувчи маркази ва партияимиз аъзолари бўлган бир гуруҳ ҳуқуқшунослар иштирокида ўтган ушбу давра суҳбатида коллеж битирувчилари мутахассислар кўмағида ўзлари танлаган касби ва амалиёт ўтаётган корхона, муассаса-



са ҳақида кенг тушунчага эга бўлдилар.

— Тадбир бизда Президентимиз маърузасида келтирилган ёшларни иш билан таъминлашга оид бандлар аниқ таҳлиллар асосида чуқур тушунирилгани билан катта таассурот қолдирди, — дейди коллеж битирувчиси А.Жуманиёзова. — Айниқса, ўтган йили 400 минг нафардан ортиқ касб-хунар коллежлари бити-

рувчилари доимий иш билан таъминлангани биз ёшларнинг эртанги кунга бўлган ишончимизни янада оширди. Биз каби битирувчиларнинг айнан ўзимиз ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган ташкилот ёки корхоналарга ишга жойлашгани имкониятлари яратилаётгани эса ўз мутахассислигимиз бўйича танланган ишимизни тез ўзлаштириб кетишимизга замин яратмоқда.


Шунингдек, БПТ фаоллари ташаббуси билан сўнгги икки ой давомида Хонқа туманидаги кўпгина маҳаллаларда турли мавзуларда тадбирлар ўтказилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва «Адолат» СДПнинг ушбу жараёнлардаги иштироки кенг тарғиб этилди. Бу каби тадбирлар, давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар партиядошларимизнинг сийёсий саводдонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш баробарида хайрихоҳлар ва аъзолар сафи кенгайишига хизмат қилаётди.

Мухтасар айтганда, қуйи ташкилот фаолларининг ҳамфикрлиги ва бирдамлиги партия дастурий ғояларини оммага тарғиб қилишда ва кенг жамоатчилик билан алоқани янада мустаҳкамлаш, партия сафларини юрт тараққиёти учун курашга бел боғлаган янги аъзолар билан тўлдиришдек вазифаларни бажаришда қўл келмоқда.

**Иқбол НИШОНБОВА,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Хоразм вилояти Кенгаши  
матбуот котиби

«Давоми. Боши 1-бетда»

# Маҳалла — фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини



Шунингдек, қонунда фуқаролик йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда ҳокимиятнинг вакиллик органи роли ва масъулиятини ошириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул органларнинг ваколатлари аниқ белгиланган.

Бундан ташқари, қонуннинг 12-моддасига кўра, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам бериш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Комиссиялар таркибида, қанда тарихида, фуқаролар йиғинларининг, давлат органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар комиссияга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилган. Мазкур ишчи гуруҳ амалиётда кўпинча фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тузилади. Эндиликда ишчи гуруҳ фақат фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан тузилади ҳамда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови эълон қилинганидан кейингина ўз фаолиятини тугатади.

Шунингдек, янги таҳрирдаги қонун бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятида ҳолисликни янада кучайтиришга, номзодларга бир хил шароитни таъминлашга қаратилган янги талаблар ҳам киритилган. Хусусан, ишчи гуруҳ таркибида, қанда тарихида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат ноижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан ташқари эндиликда халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутати ҳам киритилади. Қолаверса, нафақат фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, балки фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари ҳам ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ишчи гуруҳга аъзо шахслар ёхуд уларнинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

нинг яқин қариндошлари орасидан кўрсатилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

Ишчи гуруҳнинг ваколатлари ҳам кенгайтирилди. Яъни, эндиликда ишчи гуруҳда ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш, ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолиси умумий йиғилишининг иштирокчиларини рўйхатга олиш ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузиш, тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда тегишли комиссияга тақдим этиш учун нафақат фуқаролар йиғини раиси, балки унинг маслаҳатчилари лавозимига ҳам номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаш, бўшаб қолган ўринлар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилишини ташкил этиш каби янги ваколатлар ҳам берилди.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Номзодлар кўрсатиш жараёнидаги янгиликлар шулардан иборатки, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман (шаҳар) ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камидан ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги олова қилинади. Шунингдек, туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асосланган фуқароларнинг қарорини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияларга юбориши.

Ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг ҳуқуқдорлигини олганидан кейин, фуқаролар йиғини раиси лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камидан беш кун олдин фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимидаги тақдирларини аниқлашга қаратилган тақдирда, улар ишчи гуруҳ таркибидан чиқарилади.

Шу билан бирга, қонунда фуқаролар йиғини раиси номзодига қўйилмаган талаблар янада кучайтирилди. Жумладан, номзоднинг, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб бўлиши, унинг фуқаролар йиғини ҳудудда камидан беш йил яшаган, давлат органлари ёки нодавлат ноижорат ташкилотларидаги ёхуд ҳўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги иш тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларига эга бўлиши каби қўшимча талаблар қўйилди.

Қонун оғир ёки ўта оғир жиноятлари содир этганини учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлик олий ташланмаган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг хизматчилари номзоди кўрсатилмаслиги каби талаблар билан мустаҳкамланган.

Бу эса юксак маънавиятли, бошқарувчанлик қобилиятига эга бўлган, фуқаролар йиғини ҳудудда яшаб унинг муаммолари ва аҳолининг дардларини ҳис этадиган, ўзини одамларнинг иссиқ-совуғига дахлдор сезадиган виждонли фуқароларнинг раис этиб сайланишига имконият яратди.

Қонун катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ҳамда аҳолилар жараёни янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун асосида ўтказилиши билан аҳамият яттириди.

Этиборли жиҳати шундаки, бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 миң нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши, жумладан, Самарқанд вилоятида 1 242 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 15 000 нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилмоқда. Бу эса ушбу сайловнинг кўлами ва аҳамияти ҳақида катта ёққидан далолат беради. Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, сайловни қонунга мувофиқ, юксак ташкилий-ҳуқуқий ва демократик даражада ўтказиш ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳамда юртимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мазкур қарор билан 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи комиссия таркиби тасдиқланди.

Ўтказилиши кўзда тутилмаган мазкур сайловнинг аввалгилардан фарқи шундаки, бу жараёнда сайловлар давлат ва

жамият қурилишининг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида чўқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий шароитда бўлиб ўтади.

Қолаверса, эндиги сайловлар жараёни янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун асосида ўтказилиши билан аҳамият яттириди.

Этиборли жиҳати шундаки, бўлажак сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 97 миң нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши, жумладан, Самарқанд вилоятида 1 242 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 15 000 нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилмоқда. Бу эса ушбу сайловнинг кўлами ва аҳамияти ҳақида катта ёққидан далолат беради. Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, сайловни қонунга мувофиқ, юксак ташкилий-ҳуқуқий ва демократик даражада ўтказиш ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳамда юртимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Хусан ХУЖАМҚУЛОВ,**  
Самарқанд вилояти ақли ва бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

## Огоҳлик

Ўзбекистон «Адолат» СДП Миробод туман кенгаши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл узели, Навоий темир йўл узели, Самарқанд ва Қашқадарь узели, «Ўзтемирйўлкомпанейнер» ОАЖ ва «Ўзтемирйўл-маштамир» корхоналарида соҳа ходимлари ва ушбу корхоналарда ташкил этилган бошланғич партия ташкилотлари фаоллари учун «Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз» мавзуда учрашувлар ташкил этди.

## Тинчлик бор жойда

### ўсиш, ривожланиш бўлади

Тадбирларда асосий эътибор Юртбошимизнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида баён қилинган фикрлардан келиб чиқадиган ҳулосалар ҳамда уларнинг тарғиботи масалаларига қаратилди.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги тинчлик билан чамбарчас боғлиқ. Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар, бунёдкорлик ишлари, қўлга киритилган ютуқларнинг бош омиллари ҳам тинчликдир. Тинчлик бор жойда ўсиш, ривожланиш бўлади дея таъкидланди.

— Афсуски, бугунги кунда халқаро аҳолининг тез ўзгаришчанлиги, дунёнинг турли нуқталарида юз бераётган ноинтиликлар ҳар биримиздан далолат беради. Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, сайловни қонунга мувофиқ, юксак ташкилий-ҳуқуқий ва демократик даражада ўтказиш ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳамда юртимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

ринчи қурбонлари айнан ёшлар қатлами ҳисобланади. Сабаби, бу ёшда болалар софдил бўлади, дунёга фақат ижобий нуқтаи назар билан қарайди. Интернет муаммоси тобора чўқурлашиб бораётган, у глобал ахборот хуружларининг воситасига ҳам айланиб бораётган бир пайтда айрим экстремистик сайтлардаги маълумотлар ёшлар ва ўсмирлар онгини заҳарлаши турган гап. Демак, ўсиб келаётган ёш авлоднинг шундай тарбиялашимиз керакки, улар интернет оламига кирганда фақат ўзи учун зарур нарсани олсин, ахборотдан фойдаланиш маданиятини ўрганисин.

Мазрузалар ўзаро фикр алмашишларга, қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. — Бундай тадбирлар долзарблиги билан аҳамиятлидир. Ўсиб келаётган ёш авлод онгини шакллантиришга, уларни ёвуз ва ёт таъсирлардан асрашга, маънавий иммунитетини кучайтиришга барча бирдек масъулликни яна бир бор ҳис этдик, — дейди «Ўзтемирйўлкомпанейнер» ОАЖ ходими,



## Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилаётган ислохотлар замирида элюрт саломатлиги, инсон манфаатлари ётади. Ана шундай кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ, ўтган 22 йил ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ташкил этиш, шошилиқ тиббий хизматни такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда мақтовга эришилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, баъзи мамлакатларда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари, асосан, шаҳарларда жойлашганлиги туфайли қишлоқ аҳолиси тиббий хизматлардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келади. Мамлакатимизда яратилган миллий моделнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, бизда энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи фуқароларга ҳам худди шаҳарлардаги каби бир хилда малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловиди дастурида соғлиқни сақлаш соҳасига алоҳида эътибор қаратилган. Партия бу борадаги ўз сазй-ҳаракатларини бепул тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармоғини шакллантириш устидан назорат қилиш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парварishi бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга йўналиштириши белгиланган.

Бухоро шаҳрида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлимининг мажлислар залида ўтказилган тадбирда ҳам партиянинг сайлов олдиди дастуридаги тиббиёт соҳасига оид мақсад ва вазифаларни амалга ошириш билан Гап шундаки, сайлов олдиди дастурига мувофиқ, партиянинг Марказий аппарати ташаббуси билан 8 та йўналишдаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ишчи гуруҳи тузилган эди. Ушбу йўналишлардан бири «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони» сайлов олдиди дастуридаги «Соғлиқни сақлаш — сифат ва фойдаланиш имкониятлари кафолатлари йўналиши» бўлиб, унинг

асосида «Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит» лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Унга кўра, жойларда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий хизматлар ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини, мавжуд муаммоларни ўрганиш, жамланган маълумотларга асосан таклифлар тайёрлаш белгиланган.

Соғлиқни сақлаш йўналишида ишчи гуруҳи раҳбари Зухра Ботирова тадбирда ҳар бир мактаб ҳамда ўқув муассасаларига болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш учун

давлат бюджетидан маблағ ажратилаётгани, уларнинг соғлиғи доимий назоратда эканини, бироқ назорат-таҳлил ишларини олиб бориш фойдасида холи бўлмаслигини алоҳида таъкидлади.

Шу мақсадда депутат таклифи билан вилоятнинг Жондор ҳамда Ромитан туманларида жойлашган мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасаларидаги аҳолини ўрганиш, мавжуд камчиликларни жойида ҳал этиш масаласи ўрганиладиган бўлди.

Жондор ҳамда Ромитан туманлари халқ таълими бўлимлари раҳбарлари «Адолат» партияси томонидан кўтарилган ушбу масала долзарблигини ва ҳамкорликда мавжуд камчиликларни бартараф этиш мумкинлигини эътироф этишди.

Ромитан туман партия депутати гуруҳи раҳбари Раъно Очилова ҳар икки туманда биттадан мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида намунали тиббиёт хоналарини тайёрлаш таклифини илгари сурди.

**Шавкат КОМИЛЖОНОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилояти Кенгаши мабуот котиби



замонда яшаймиз. Узоққа бормайлик, кўшимиз Афғонистонни олайлик. Бу ердаги 35 йилдан бери давом этаётган уруш оқибатида қўлаб беғуноҳ одамларнинг қони тўкилди, мамлакат тараққиёти издан чиқди. Ҳаёт издан чиққан мамлакатни тиклаш нақадар оғир вазифа эканини биргина Афғонистон мисолида кўриб турибмиз. Шундай экан, ёшларга, жамоатчиликка уруш келтирадиган кулфатлар, тинчликнинг олий неъматини ҳақида ҳаётий мисоллар ёрдамида ташвишланиш талаб этилади.

Учрашувларда «Глобаллашув жараёнида информацион таҳдид, ахборот хуружи» мавзусида ҳам сўз борди. — Интернет билим ва керакли ахборотни олиш учун улкан имкониятлар яратди, бироқ тармоққа жойлаштирилган ахборотларнинг барчасини ҳам ишончли ва фойдали деб бўлмайди, — деди ўз маърузасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутаты Тошпўлат Матибаев. — Сўнги пайтларда интернет орқали таъқиб этиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу тармоқ безорилигининг энг би-

«Адолат» партияси аъзоси Абдулхайр Саркулов.

— Жамият учун энг катта хатарлардан бири бу — лоқайдларнинг ШУ боис ёшларда, партияимиз аъзолари, электрорат вакилларида Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай руҳда тарбияланган ёшлар ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга ҳеч қачон бефарқ бўлмайди. ШУ боис бундай таъсирчан тадбирларни тез-тез ўтказиш лозим. Бундай учрашувларга соҳанинг етуқ мутахассисларини жалб этиш фойдасидан холи бўлмайди, — дейди партияси аъзоси Шавкат Нурматов.

Мазрузалар якунида намоийиш этилган тинчликка, огоҳлик ва ҳушёрликка даъват қилувчи видеофильмлар барчада чўқур таассурот қолдирди. Тадбирлар иштирокчилари томонидан билдирилган мулоҳазалар, амалий таклифлар эса халқимизнинг мамлакатимизда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеаларга бефарқ эмаслигидан далолат бериб турибди.

# Хуқуқ

## Банкнинг ибратли юмушлари

Молия муассасаларида

Мамлакатимизда тадбиркорликни барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан олиб бориш ҳамда фермерлик ҳаракатини доимий қўллаб-қувватлашда молия муассасаларининг ўрни катталлига ҳеч қимга сир эмас. Айниқсан, бу борада «Агробанк» Бухоро вилоят бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир.



AGROBANK

Таъкидлаш жоизки, вилоят бошқармасининг 11 та филиали, 6 та мини-банк ҳамда 11 та махсус кассаси томонидан миқдорларга кўрсатилаётган турли тезкор ва сифатли банк хизматлари, хусусан, ажратилаётган кредитлар ҳудуд иқтисодийнинг ўсишига, рақобатбардош корхоналарнинг вужудга келишига, муқим иш ўринларининг яратилишига имкон бермоқда. Бу эса дўконларимиз ва бозорларимизнинг қўллаб озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол маҳсулотларига сероб бўлиши, пировард-натияжада аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига олиб келмоқда. Бошқарма филиалларида бугунги кунда турли мулкчилик шаклидаги 15 мингдан зиёд юридик шахслардан иборат кенг соҳа миқдорларига комплекс хизматлар кўрсатилаётган бўлса, улардан 5456 тасини кичик бизнес субъектлари, 6 мингдан ортигини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этади.

Маблағини олгандим, — дейди «Агробанк»нинг яна бир миқдорида «Шохруҳбек-Шамсиддин-Бахтиёр» масъулияти чекланган жамияти директори Бахтиёр Чориев. — Айни пайтда олинган кредит ҳамда жамиятимиз маблағлари ҳисобига қўрилишининг муқим ашёларидан бири бўлган шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Энг муҳими, янги иш бошлаган цехимизда 4 нафар ёш иш билан таъминланди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, «Агробанк» миқдорлари орасида фермерлар кўпчилигини ташкил этади. Ҳозирда нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилган, балки турли-туман тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, бозорларимизни сифатли ҳамда арзон товарлар билан тўлдиряётган бундай фермерлар «Агробанк»нинг ишончли ҳамкорлари саналади. Банкнинг Шофиркон филиалидан олинган кредит эвазига «Класс Доминатор» қомбайни харид қилган «Азим Шофиркон юлдузи» ҳам ана шундай фермер хўжалиklarидан биридир.

— Банк кредити эвазига олган «Класс Доминатор» ғалла ўриш қомбайни оғиримизни енгил қилмоқда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Азим Латипов. — Ушбу замонавий техника ёрдамида етиштирилган бугдойимизни нестобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олаёلمиз, режани ортиги билан бажаряпмиз. Бундан ташқари, ҳудуддаги бошқа фермер хўжалиklarига ҳам ёрдам бериб, уларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқдамиз.

Вилоятда озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish мақсадида банк филиаллари томонидан жорий йилда жами 12 миллиард

сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағи йўналтирилди. Бугунги кунда ушбу кредитлар эвазига жойларда қўллаб чиқариш корхоналари қад ростлади, айримлари янги технологиялар билан жиҳозланди. Энг асосийси, ҳудудда минглаб янги иш ўринлари яратилиб, эл фаровонлигини таъминлашдек хайрли юмушга ҳисса қўшилди.

Таъкидлаш жоизки, банк миқдорларининг аксарияти тадбиркор аёллардан иборат. Ҳозирги пайтда бундай ташаббускор хотин-қизларга ажратилган кредит маблағлари қолдиги қарийб 2,5 миллиард сўмдан ошди. Бунинг эвазига қишлоқ ҳудудларида 500 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Эндилдиқда мазкур корхоналар турли хилдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, маийши ва сервис хизмати кўрсатиш ишларини амалга оширмоқда.

Дарвоқе, банк бошқармаси ва унинг филиаллари томонидан воҳада маийши хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ҳам молиявий кўмак берилмоқда. Жумладан, вилоятдаги шу каби кичик бизнес субъектларига жорий йилнинг ўтган даврида жами 2 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилганлиги юқоридаги фикримизнинг тасдиғидир. Ушбу молиявий кўмак натижасида ҳудудда қўшимча 100 дан зиёд янги иш ўринлари вужудга келдики, шубҳасиз, бу ҳам аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Агробанк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси жамоаси миқдорлари қайси тармоқ ёки соҳага мансуб бўлишидан қатъи назар, уларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишни ўз олдига асосий мақсад қилиб олишган.

Абдуғани СОДИҚОВ

### Қонун барчага баробар

Бугун давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар мазкур соҳанинг ривожланишига, бозорларимизни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдирishга, юртимизнинг тараққий этишига хизмат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан тадбиркорларнинг савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари қонун бузилишларнинг олдини олади.

## Назорат касса машинасига эҳтиёт бўлинг!

Маълумки, Президентимизнинг 2013 йил 24 январдаги «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмининг янада тартибга солиш тўғрисида»ги Қарорига қўра, мамлакатимиз ҳудудида чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валютада ҳисоб-китобларни амалга ошириш тақиқланган. Гуруч курмақсиз бўлмаганидек, орамизда мазкур талабларни бузган тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Хусусан, яқинда Жиззах шаҳридаги «Эски шаҳар савдо комплекси»да яқин тартибдаги тадбиркор Т.О.га тегишли савдо дўконидида солиқ ходимлари томонидан ўтказилган қисқа муддатли текширув чоғида сотувчининг эркаклар кийим-кечагини 200 АҚШ долларига пуллаганлиги аниқланди. Айни пайтда савдодан тушган 191,4 минг сўмлик нақд пуллар дўкондаги нazorат касса машинасига кириб қилинганлиги ҳам фош бўлди. Бундан ташқари, қонунда белгиланган тартибда савдо дўконидида сифат сертификатини ва кириб ҳужжатлари мавжуд бўлмаган 19 турдаги 32,3 миллион сўмлик товар моддий бойликлари далилий ашё сифатида олинди.

Шунингдек, Жиззах шаҳар, Ҳайрабод маҳалласида фаолият юритаётган Ж.К.га қарашли умумий оқватланиш шохобчасида ўтказилган текширув давомида сотувчи истеъмол қилинган таомлар учун олинган 39,7 минг сўмни nazorат касса машинасидан ўтказмаганлиги ва хўрандага харид чеки бермаганлиги, бу ҳам етмагандек, савдодан тушган 171,8 минг сўмлик нақд пулни қонунга ҳилоф равишда nazorат касса машинаси хотирасига кириб қилмаганлиги, кассада эса 200 АҚШ доллари мавжудлиги аниқланди.

Шоҳобчадаги 24 донга 121 минг сўмлик спиртли ичимликлар, 32 донга 51,1 минг сўмлик тамаки маҳсулотларининг кириб ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли далилий ашё сифатида олинди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар бўйича тегишли органлар томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Жамшид ШУКУРОВ,  
Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси катта инспектори

### Савол беринг, жавоб берамиз!

— Ҳуқуқий ахборот тизими тушунчаси ҳақида маълумот берсангиз.

*Б.Сафаров, талаба*

— Ҳуқуқий ахборот тизими бу — ҳуқуқий ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ҳуқуқий ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир.

— Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар қандай ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади?

*К.Насимов, шифокор*

— Ўзбекистон Республикасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологиялари самарадорлигини ошириш, давлат ва жамият қурилиши соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлаш мақсадида бир неча қарорлар қабул қилинган.

Жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини Ўзбекистон Республикасида ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2005 йил 8 июлдаги, 5 сентябрдаги, 28 сентябрдаги, 2012 йил 21 мартдаги, 2013 йил 20 сентябрдаги Қарорлари асосида амалга оширилади.

— «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қачон қабул қилинган ва ушбу Дастур қандай мақсадни қўзлаб қабул қилинган?

*А.Валиев, ўқитувчи*

— Ушбу Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августдаги Қарори билан тасдиқланган бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолининг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий, илмий-оммабоп ва юридик маълумотнома, адабиётлар нашр этишни қўпайтириш, шунингдек, мактабгача тарбия муассасалари; умумий ўрта мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежларида ва олий ўқув юртрларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

— Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини оширишда ҳуқуқий ахборотлар тизимининг қандай аҳамиятли жиҳатлари мавжуд?

*Х.Жалилова, журналист*

— Аҳолини ҳуқуқий ахборотлардан тўсиқларсиз, тўлатқис ва эркин фойдалана олишини таъминлаш ва уларга керак бўлган маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, қонунчиликда рўй бераётган янгилеклардан хабардор қилиш ҳамда шу орқали аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришдан иборатдир.

— «LexUz» ҳуқуқий ахборот тизими қачон ва қандай мақсадда ташкил этилган?

*У.Мадаминов, тадбиркор*

— Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатларини тезкор ва ишончли тарзда оммага етказиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг метъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, миллий қонунчилигимизда рўй бераётган янгилеклардан хабардор қилиш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан «LexUz» ҳуқуқий ахборот тизими ташкил этилган.

— «LexUz» ҳуқуқий ахборот тизимининг бошқа ҳуқуқий ахборот тизимларидан фарқи ва афзаллик жиҳатлари ҳақида маълумот берсангиз.

*Б.Фармонов, пенсионер*

— «LexUz» ҳуқуқий ахборот тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишли бўлиб, барча ҳужжатлар фақат расмий манбалардан киритилиши, шунингдек, тизимдан фойдаланишнинг бепуллиги, тизимда мавжуд ҳужжатларнинг доимо янгиланиб бориши, мобиллик, яъни бунинг учун интернет тармоғига уланган компьютер (ёки бошқа қурилма) керак бўлади.

Саволларга Адлия вазирлиги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази бош маслаҳатчиси **У. МАҲМУДОВ** жавоб берди.

# “Чандир”дан ўтолмаган оғу

«Адолат тарозиси»

— Онаси мана бун панароқ жойга яшириб қўй, ҳеч ким билмасин. Тун ярмида уйга қайтган Салимжон хотинига пакет тутқазди. — Бу нима, нега яшираман? — ажабланди Манзура. Чунки эри сўнгги пайтларда ичкиликка муқкасидан кетган, кунда ичиб келиб уйда жанжал чиқаришни одатга айлантиргани учун унинг хурсанд кириб келиши кутилмаган янгилек эди-да.

— Ишинг бўлмасин, энди ҳаммадан бойиб кетамиз, уйини ҳам чиройли қилиб таъмирлаймиз. Одамларга бир кўрсатиб қўяй икки йил Россияда бекор юрмаганимни. Бор, тез яшир деяпман, сенга!

Манзура ҳам дарров киши билмас жой — молхонадаги эски автомашина ғилдираги орасига пакетни жойлади-да, устига уч-тўрт боғ пичанни тартибсиз қўлатиб юборди.

Ичкиликка муқкасидан кетган Салимжоннинг хурсандчилиги узоққа бормади, кучли йўталдан кўзарганча ўттининг остонасида у дунёга рихлат қилди. Икки фарзанди билан бева қолган Манзура Бегматова ота уйига кўчиб борди, бироқ қора пакетни унутиб қолдирмади. «Қимматбахо матоҳ»ини отасига билдирмай оғилдаги эски охурининг ичига яшириб, келгусида сотиб мўмай даромад ортиришни ният қилди. Мақсадини амалга ошириш йўллариини ўзича қидириб кўрди, лекин қандай қилиб, кимга сотади уни?

Шу ўй-фикрлар гирдобиди зерикиб ўтирган кезлари тақдири ўзига ўхшаш, яъни турмуш ўртоғидан айрилган Ойдин Садриддинова телефон қилиб, кўришишни, илоҳи бўлса, Ташкент вилояти Зангиота туманида жойлашган жазони ижро этиш муассасида жазони ўтаётган холасини кўришга бирга бориши, йўл харажатларини ўзи тўлашини айтиб қолди. Ота-онасига ёлғондан бир ўртоғининг туғилган кунига бораётганини ва уларникида бир кеча ётиб қайтишини билдириб йўлга отланган Манзура Бегматова дугонаси билан Самарқанддан Зангиота сари йўл олди.

Жазони ўташ муассасаси атрофида чойхона ва узоқдан келган мусофирлар учун ётоқхоналар кўп экан. Икки дугонана шу атрофдаги хонадонлардан бирида бир-икки кун ижарада турадиган бўлишди. Ойдин холасининг олдига учрашувга кириб кетганда, Манзура зерикканидан турли жойлардан келган инсонлар билан суҳбатлашиб ўтирарди.



Кўр кўрни қоронғида топади, деб беҳиз айтишмаган экан. Ана шундай суҳбатлардан бирида у эридан ёдгор бўлиб қолган яққаю ягона «бойлиги»га харидор топди.

Ўзини Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида истикомат қилувчи Баҳодир, деб таништирган одам билан бир пасда эски танишлардек бўлди-қолди. Манзура ушбу моддани Эллиқалъадаги хонадонига етказиб берса, Баҳодир унга ҳар бир килограмм героини гиёҳвандлик молдаси учун 12 000 АҚШ доллари тўлашини айтди.

— Мен у томонларга умуман бормаганман, қолаверса, бу билан юришдан жуда қўрқаман, — хавотирини яширмади Манзура.

— Бунинг ҳечам қийин жойи йўқ, қандай қилишни ўзим тунштираман, фақат мен айт-

сон Манзурага шубҳаланиб қарамади.

У «Бухоро-Нукус» йўли бўйича йўловчи ташувчи 11 L 0915 давлат рақамли «СЕТРА» русумли автобусга чиқиб, ўриндиқни банд этди. «Юк»ни эса яна Баҳодир ўргатганидек уч-тўрт наридаги ўриндиқнинг орқа томонига олиб бориб яширди — бу одамларни чалғитиш ва мабодо оғу аниқланиб қолингудек бўлса, кимники эканлигини яшириш учун бир хийла эди. Ишидан кўнгли тўлган Манзура ўриндиққа хотиржам ўтириб, манзилга ошиқди.

— Ҳадемай манзилимга етиб оламан, — енгил хўрсинди Манзура. — Тезроқ эсон-омон етиб олайдим...

Манзура Бегматова «Бухоро-Нукус» йўналишида харақатланувчи барча транспорт воситалари Ромитан туманида жойлашган «Чандир» мунтазам йИП масканидан ўтиши ва бу маскан ходимлари томонидан йўлга қўйилган қаттиқ текширув тартибидан хабари йўқ эди-да. Акс ҳолда, у бундай хом хаёлга берилмасди. «Чандир»да у кетаётган автобус тўхтатилиб, ИИБ ходимлари томонидан текширув ўтказилганда... унга тегишли бўлган 984,04 граммга тенг героини гиёҳвандлик молдаси олиб қўйилиб, Манзура Бегматованинг жиноий ишига шу ернинг ўзида нукта қўйилди. Ажал уруғи бошқа манзилларга, бошқа инсонларнинг ҳаётига кириб бора олмади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА



# Энг яхши терговчи

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кўни

Барча соҳаларда бўлгани каби ички ишлар тизимида ҳам турли хил танловлар ва мусобақалар тез-тез ўтказиб турилади. Чунки улар ходимларни янада кўпроқ излашга, билим ва тажрибани оширишга чорлайди. Аини пайтда юқори натижаларни кўлга киритаётган осойишталик посбонларини рағбатлантириб бориш имкониятини ҳам яратди.



Яқинда мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида “Энг яхши терговчи — 2013” танлови бўлиб ўтди. Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган бу ўзига хос мусобақада барча вилоятларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Албатта, танлов қатнашчилари, биринчи навбатда, хизмат жойларидан ўз касбининг ҳақиқий устаси сифатида тавсия этилиши лозим. Кейин эса вилоят босқичида голиб чиқиш талаб этилади. Бундан ташқари, юз ва минг метрга югуриш, турникда кўтарилиш, тўппончадан отиш, тест савол-

ларига жавоб бериш, пировардида эса махсус ҳайъат аъзоларининг сўхбатидан ўтиш лозим бўлади. Кўриниб турибдики, танлов дастури анчагина мураккаб.

Мазкур тадбирда Наманган туман ички ишлар бўлимининг терговчиси Гиёсиддин Кутбидинов ҳам қатнашди. У милиция ходимлари сулоласининг вакили.

— Ўзим кўп йиллар милиция сафларида хизмат қилдим, — дейди Хусниддин Кутбидинов. — Ҳамиша вазифамни сийқидилдан бажариш йўлини танладим. Ўғлимга келсак, у

ёшлигидан милиция ходими бўлишни орзу қиларди. Мен эса, албатта, яхши ўқиш, жисмонан чинқиш, тартиб-интизомли бўлиш орзуга етишиш гарови эканлигини уқтирдим. Чамаси, қизиқиши чин дилдан экан, орзулари рўёбга чиқмоқда. Мана энди, ўзининг хизматдаги муваффақиятлари билан ҳаммамизни хурсанд қилиб турибди.

Ички ишлар тизимида тергов иши ҳам алоҳида масъулият талаб қилади. Ишни чуқур ўрганмай ёки юзаки фикр юритиб хулоса чиқариб бўлмайди. Ҳар бир жиноятга ёки жиноятчиға аниқ ташхис қўйиш учун эса терговчидан катта билим, мантиқий мулоҳаза юритиш қобилияти, психологиядан яхши хабардорлик талаб этилади.

Биз юқорида тилга олган танловда эса Ф.Кутбидинов барча шартларни муваффақиятли бажариб “Энг яхши терговчи — 2013” танловининг голиби бўлди, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гиёсиддин жамоанинг ёш ва изланувчан ходимларидан. У республика Ички ишлар академиясини “аъло” баҳоларга битирган. Жанговар ва сиёсий-маънавий тайёргарликда сафдошларига намуна. Спорт билан мунтазам шуғулланиб келади.

— Бундай муваффақиятга эришганимдан ва раҳбарият ишончини оқлаганимдан ниҳоятда мамнунман, — дейди у. — Энг аввало, устозларим ва хизматдошларимга катта миннатдорчилик билдираман. Чунки уларнинг ёрдамисиз ҳеч қачон юқори натижаларни кўлга кирита олмаслигимни яхши биламан. Танловдаги галаба мени янада астойдил ишлашга, халқимиз тинчилигини ва осойишталигини асраш йўлида бор билимим ва қўл-гайратимни сафарбар қилишга даъват этади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,  
“Adolat” мухбири



## Ёш истеъдодлар — юрт келажаги

Матбуот анжумани

Ҳар қандай мамлакатнинг қудратини, келажакни белгилайдиган омиллардан бири шу юртда вояга етаётган билимли, мустақил фикрли, ҳар соҳада замонавий касб-хўнарсирларини эгаллаган, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятга эга, жисмонан соғлом ва баркамол авлоддир.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариши, ёш йигит-қизларни замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган шахс этиб вояга етказиш учун шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда.

Маданият ва спорт йшлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган “Ёш авлоднинг маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги қобилиятини рўёбга чиқариш ҳамда уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасида вазирлик тизимида амалга ошириладиган ишлар” мавзусидаги матбуот анжуманида ҳам мазкур соҳада амалга ошири-

лаётган ислохотлар, ёшларга яратилаётган катта имкониятлар, нуфузли халқаро танловларда улар томонидан кўлга киритилаётган галабалар ҳамда эришаётган улкан ютуқлар борасида фикр-мулоҳаза алмашиди.

— Сўнгги йилларда республикада ўтказилаётган турли санъат ва маданият фестиваллари, халқаро танловларда иштирок этаётган ёш истеъдодлар сони тобора ортиб бормоқда, улар эришаётган натижалар ҳам салмоқли, — деди Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари О.Музаев.

— Мустақиллигимизнинг илк йилларида санъат соҳасидаги халқаро танловларда 8 нафар ёш ижрочи иштирок этиб, улардан атиги бир нафари биринчи ўринни эгаллаган бўлса, бугунга келиб голиб

ва совриндорлар сони 105 нафарга етди. Иштирокчилардан 3 нафари — ёш скрипкачи Алина Қориева Франциянинг Баньоле шаҳрида, торли чолғу — виолончелнинг моҳир созанда-си Жамшид Саидқаримов Россияда, фортепиано ижрочиси Жасмина Абдуназарова Париж шаҳрида ўтказилган халқаро танловда гран-прини кўлга киритдилар.

Иқтидор эгаларини янада рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун “Ниҳол” мукофоти 2006 йилдан буён уч босқичли тизимда ўтказилмоқда. Бу эса ёш иқтидор эгаларининг имкониятларини тўла рўёбга чиқариш, олис ҳудудларда яшаб ижод қилаётган истеъдодли ёшларнинг меҳнати самарасини кенг жамоатчиликка ҳавола этиш, уларнинг ижодини тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Шу кунгача “Ниҳол” мукофотида сазовор бўлган ёшлар сони 152 нафарга етди. Улардан 1 нафари Ўзбекистон халқ артисти, 16 нафари хизмат кўрсатган артист, 1 нафари Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвони ва 3 нафари “Шўҳрат” медали билан тақдирланди.

Шунингдек, 2012-2013 ўқув йилида жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида ўтказилган нуфузли халқаро ва республика танловларида голибликни кўлга киритган юксак билимли, салоҳиятли, санъат ва спорт соҳасида ўз иқтидорини намойиш этган истеъдодли ёшларимиздан 66 нафари маданият йўналишида, 256 нафари спорт йўналишида имтиёзли равишда олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинди.

Матбуот анжумани сўнггида вазирликнинг масъул ходимлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан вазирлик томонидан олиб бориладиган ишлар, ёшларимизнинг санъат ва спорт соҳасида эришаётган ютуқлари ҳақидаги қатор саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Феруз Жўраев,  
“Adolat” мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН АСАКА БАНК (ОАЖ)

**Қуйидаги мақсадларга:**

- Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
- Оилавий тадбиркорликни ва хўнарсирчиликни ривожлантириш учун;
- Касб-хўнарсир коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун

**КРЕДИТЛАР АЖРАТАДИ.**

“Асака” банк (ОАЖ) филиаллари кредит бўлимининг телефон рақамлари:

Қўшимча маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

«Асака» банк (ОАЖ) кўп каналли ягона «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» рақами: (8-371) 120-82-88.

Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59
Сирдарё вилоят филиали	8-367-225-28-61
Андижон вилоят филиали	8-374-224-56-98
Тошкент вилоят филиали	8-371-120-84-04
Асака филиали	8-374-223-15-32
Фарғона вилоят филиали	8-373-224-72-14
Фарҳод филиали	8-374-226-96-93
Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Бухоро вилоят филиали	8-365-223-11-15
Олтиариқ филиали	8-373-432-19-80
Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-00-34
Қўқон филиали	8-373-552-61-01
Қашқадарё вилоят филиали	8-375-221-15-38
Хоразм вилоят филиали	8-362-226-96-03
Навоий вилоят филиали	8-436-770-21-28
Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Зарафшон филиали	8-436-573-18-82
Автотранспорт филиали	8-371-120-39-01
Наманган вилоят филиали	8-369-226-91-45
Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Самарқанд вилоят филиали	8-366-223-63-82
Юнусобод филиали	8-371-231-80-67
Афросиёб филиали	8-366-221-72-68
Сирғали филиали	8-371-257-44-10
Сурхондарё вилоят филиали	8-376-770-82-20
Жиззах вилоят филиали	8-372-226-34-90



**«Асака» банк – обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида!**

Хизматлар лицензияланган

## Муаллима меҳнатининг муносиб баҳоси

Эътироф

Фахрий муаллим Озодбек Алибеков Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнук кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармониға асосан мукофотланганлар орасида қизи — Андижон туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси Барноҳон Мухтарованинг номини кўриб кўзлари ёшланди.

Қизининг «Сиз каби ўқитувчи бўламан, ўқувчиларимни энг аввал она табиати севишга, асраб-авайлашга ўргатаман», деганлари, олийгоҳни тамомлаб иш фаолиятини бошлаш олди-дан «Менга дуо беринг, энди изингиздан бориб, ёшлар тарбиясига хисса қўшай», дея дадил иш бошлагани кўз олдида гавдаланди. Мана, қисқа вақт ичиде у ўз касбини эъозлаб юксак давлат мукофоти — «Шўҳрат» медалиға лойиқ топилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фаол аъзоларидан бири Барноҳон Мухтарованинг ҳаёт йўли оддий бўлса-да, ибрат оларли. У зиёлилар оиласида ўсди. Андижон туманидаги 6-мактабда аъло баҳоларға ўқиди. Аиникса, биология ва химия фанларига алоҳида меҳр қўйди. Устози, отаси Озодбек муаллимдан ҳар икки фан сирларини пухта ўрганиб, билимларини мустаҳкамлаб борди. Шунинг натижасида Андижон давлат университетига биринчилар қаторида қабул қилинди. Талабаликда ҳам у изланиб, устозларидан ҳар бир дарсда қўшимча топшириқлар олиб, фан оламиға чуқур кириб борди. Университетда ташкил этилган «Ёш биологлар» кенгашининг фаол аъзосига айланди, бир қатор мақолалари билан университет ўқитувчилари эътибориға тушди.

Кўз очиб-юмгунча талабалик йиллари ортда қолди. У китобдаги маълумотлар билангина эканланидиган ўқитувчи эмас, изланувчан, илгорлар тажрибасига таянадиган, янгиликларға ўч ўқитувчи бўлиб етишди. Қисқа вақт мобайнида жамоанинг хурмат-эътиборини қозонди. Тирришқоқлиги, жамоат ишларида фаоллиги, ўз устида мунтазам ишлаши ундаги яна бир ижодий хислатлардан. Янгиликларни, илгор технологияни дадил татиб этишға одатландики, бу ўқувчиларда унинг дарсларига бўлган қизиқишини оширмоқда. Яна бир ўзига хос хусусияти — утилган мавзунини ҳар бир ўқувчи тўла тушуниб етмагунча тиниб тинчимайди.

Жамоада хурмат қозониш, ўз ўрнини топиш учун инсонда шунга яраша ҳаракат ва ташаббускорлик бўлмоғи даркор. Барноҳон ҳақида гап кетганда жамоа, унинг устозлари, шогирдлари кўз ўнгиде изланувчан, меҳрибон, замон билан ҳамнафас инсон гавдаланди.

— Мукофот биргина менға эмас, бутун жамоамизға берилди, — дейди Барноҳон Мухтарова. — Чунки ҳамкасбларим ҳар бир ишимни, тақлифимни қўллаб-қувватлайди. Мукофот меҳнатимға чексиз рағбат ва шу билан бирға чексиз масъулият ҳам юклайди. Мен Юртбошимиз томонидан билдирилган юксак ишончға жавобан ўқувчиларимға янада чуқурроқ билим беришға ҳаракат қиламан.

Акбаржон НАЗАРОВ,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот котиби

**ADOLAT**  
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

**Тахрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРГИКОВА, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир Жўраев, Мухаммад АЛИ, Талғат МУРОДОВ, Тошмуҳаммад МАТИББАЕВ, Ашиер МУМИНОВ.

**Баш муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували САЙБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибнат — 288-46-64 (144).

**Навбатчи муҳаррир** — И.Саҳатов. **Навбатчи** — Ф.Жўраев.

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Тахририят манзили: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани  
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.  
info@adolat.uz  
adolat\_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

\*772011521004\*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ — 1000. Ҳажми — 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган. Қороз бичими А-2. Адади — 7050  
Босишға топшириш вақти — 23.50 Босишға топширилди — 01.10

1 2 4 5